O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 5-may • Shanba • 54 (27.699) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ОЗОД ЮРТНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонлик кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади. «Олтин юлдуз» медали олд томонида ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуздир. Медаль марказидаги доира ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган.

Мамлакатимиз парламентининг ўша сессияси қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимиз ана шу олий мукофотга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон Қаҳрамонлари сафи турли соҳаларда меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб ватандошларимиз ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб баҳолашга, қадр-қимматини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Тарихдан маълумки, аждодларимиз Ватан озодлиги ва эрки йўлида мардонавор кураш олиб борган. Ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидлари – истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири «Мустақиллик» номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

«Мустақиллик» ордени икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман кўринишда. Орденнинг марказида мустақиллик рамзи бўлмиш Ҳумо қуши тасвирланган. Мазкур орден билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Мустақиллик шарофати билан халқ эрки ва Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номлари қайта тикланиб, хотиралари абадийлаштирилди. Улар қаторида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қатағонга учраган буюк адиблар Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон ҳам бор. Президентимиз фармонларига биноан миллий озодлигимиз йўлида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари учун 1994 йили Абдулла Қодирий, 1999 йили эса Абдулҳамид Чўлпон «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинчтотув ҳаёт кечирмоқда. Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу жиҳатдан «Дўстлик» ордени билан мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланадилар.

Мазкур давлат мукофоти соҳиблари орасида нафақат ҳамюртларимиз, айни чоғда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. 2003 йилнинг сентябрь ойида Нукус шаҳрининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда нукусликларнинг ҳам хизматлари катта. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун ўнлаб юртдошларимиз «Жасорат» медали билан тақдирланди.

«Шуҳрат» медали билан эса мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришган кишилар тақдирланади.

Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонларининг таъсис этилиши катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга воқеадир. Зеро, улар Юртбошимиз таърифлаганидек, «Ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир».

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси



«ЎЗБЕКИСТОН — СПОРТ МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА»

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Спорт олами — 2007» иккинчи халқаро кўргазмаси ўтказилмоқда

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўплаб спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Барпо этилаётган янги спорт мажмуалари замонавий спорт анжом-ускуналари билан жиҳозланиши керак. Ҳозирча мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган анжом ва жиҳозлар билан эҳтиёжни тўла қондириш қийин. Шу боис жойларда қурилаётган янги спорт иншоотлари маълум даражада хорижда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларига эҳтиёж сезмоқда. Мисол учун, спорт кийим-кечаклари маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган бўлса, спорт заллари ва майдончалари учун махсус резина тўшамалар ёки футбол майдони учун сунъий майсалар хориждан келтирилаётир.

Бу борада икки йилдан бери пойтахтимизда анъанавий тарзда уюштирилаётган «Спорт олами» халқаро кўргазмаси жуда қўл келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

IEG Uzbekistan компанияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги халқаро кўргазмада дунёнинг йигирмага яқин машҳур компаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Унда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда Россия, Белорусия, Покистон, Бангладеш, Голландия сингари давлатлар вакиллари томонидан тайёрланган бежирим, сифатли спорт анжомлари, кийим-кечаклари, жиҳоз ва ускуналари ҳам намойиш этилаётир. Бу тадбирда замонавий ва сўнгги русумдаги спорт мажмуаларини ёритиш ускуналари, стадион, спорт зали ва майдончалари учун махсус тўшамалар, бокс анжомлари, тренажёр зали асбоб-ускуналари, велосипед ва спорт велосипедлари, мототехника, спорт ўқув хоналари учун махсус жиҳозлар, турли спорт кийим-кечаклари, копток ҳамда бошқа зарур ускуналар билан танишиш имконияти мавжуд.

ООО «Мастерфайбр» (Россия), «Herculan» (Голландия), «LD Sport», «Ландшафт дизайн+», «Tiger Turf» (Россия) сингари компаниялар кўргазмада иккинчи маротаба қатнашмоқда.

— Ўзбекистон чин маънода спорт мамлакатига айланмоқда, — дейди «Herculan» компанияси вакили Ян-Вильям ван Дик.

4-бет

Германиянинг Бремен шаҳрида Ўзбекистонга бағишланган ахборот кечаси бўлиб ўтди. Тадбир Германияда истиқомат қилувчи ўзбек миллатига мансуб аҳоли вакиллари гуруҳининг ташаббуси билан мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бременда Ўзбекистонга бағишланган ахборот кечаси

Кечада Бремен шаҳрининг жамоатчилик, илмий ва педагогика доиралари вакиллари иштирок этди. Анжуман доирасида БМТнинг «Болалар ҳаёти учун фойдали дунё» Декларацияси ҳамда ҳаракат дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Иштирокчилар эътиборига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, ўзбек халқининг кўҳна тарихи, бой маданияти ва анъаналари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди. Республикада оила, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари руёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси мустақиллик эълон қилинганидан сўнг дастлабки йиллардан бошлабоқ мамлакат раҳбарияти олиб бораётган аниқ мақсадга йўналтирилган оқилона ижтимоий сиёсат ҳосилалари эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Бремен мактабгача таълим муассасалари бирлашмасининг раҳбари Бремен Уте Мау сўзга чиқиб, Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари муваффақиятли фаолият олиб бораётгани ва уларнинг ижтимоий вазифаларини бажариш юзасидан давлат муассасалари билан ўрнатган ҳамкорлиги эътиборга лойиқ эканини қайд этди.

— Бундай ижтимоий ҳамкорлик қўйилган мақсадларни самарали ҳал қилишга имкон беради, — деди Мау хоним.

Шунингдек, тадбирнинг бошқа иштирокчилари ҳам «Ўзбекистон раҳбариятининг болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини кучайтириш ҳамда такомиллаштириш, уларни янги шароит ва бугунги кун талабларига мослаштиришга қаратилган фаолияти юксак баҳога муносиб» эканини эътироф этдилар.

«Жаҳон» АА
Берлин

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ **ЎзХДП жамоатчилик қабулхоналарида**

«ҲЕЧ КИМ НОРИЗО БЎЛИБ КЕТМАСИН»

ХДП МИРЗАЧЎЛ ТУМАН КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

Янги иш куни. Одатдагидай биров ишга, биров ўқишга шошилган. Мен ЎзХДП Мирзачўл туман кенгаши томон йўл олдим. Мақсадим: кенгаш қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти билан танишиш.

Қабулхонада бугун партиямиздан сайланган туман Кенгаши депутати, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Умурзоқ Толбоев навбатчи экан. У киши билан кун бўйи бу даргоҳга келганларни биргаликда қабул қилишга, бўлажак қўнғироқларга ҳамжиҳатликда жавоб беришга келишиб олдик.

— Ўн кунда бир марта шу ерда навбатчилик қиламан, — дейди Умурзоқ Толбоев. — Ҳар гал 3-4 кишини қабул қилишга, 2-3 телефон қўнғироғига жавоб беришга тўғри келади. Бугунгисига энди ўзингиз гувоҳ бўласиз...

Гапимиз чала қолди. Қабулхона эшиги очилиб, ўрта ёшлардаги аёл кириб келди.

— Нафақа масаласида келгандим, — дейди у ўзини Лидия Григорьева деб таништирар экан. — Гагарин шаҳрининг Гагарин номли кўчаси, 17-1 уйда яшайман. 16 ёшгача болаларимизга бериладиган нафақани вақтида ололмаяпмиз. Айрим пайтларда эса накд пул ўрнига дўкон орқали озиқ-овқат маҳсулотлари олишга мажбур бўлаяпмиз. Шу масалада сизлардан ёрдам сўраб келдим...

Навбатчи масаланинг моҳиятини махсус журналга қайд этгач, «Халқ банки» туман бўлимининг бошқарувчисига қўнғироқ қилди. Унга фуқаро Лидия Григорьева нафақани ўз вақтида накд пул билан олишга ҳақли эканлигини ва унинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш зарурлигини эслатиб қўйди. Сўнг бу масала ечим топгунига қадар партия кенгаши назоратида эканлигини уқтирди.

Гўшакдан бошқарувчининг овози эшитилди:

— Англашилмовчилик бўлган шекилли. Ҳозироқ масаланинг охирига етамиз ва фуқаро нафақасини албатта, накд пул билан олади. Сизга раҳмат. Шу баҳона барча шохобчаларимизда нафақаларнинг берилишини яна бир бор жиддий назорат қиламиз.

— Масала ҳал бўлди, — деди қабулхона навбатчиси бир инсонга қайсидир маънода нафи текканидан мамнун ҳолда. — Бориб нафақангизни олишингиз мумкин...

— ХДП вилоят, шаҳар, туман кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги қарор айни вақтдаги муҳим ташаббус бўлди, деб ҳисоблайман, — чала қолган гапини давом эттиради суҳбатдошим. — Электоратимиз вакилларини қийнаётган муаммоларни қонун доирасида амалий ҳал этишга кўмаклашиш учун бундай тузилма жуда зарур ва унинг имкониятларидан фойдаланиш лозим. Одамлар ўзларини қийнаб, ўйлантириб келаётган масалалар юзасидан қанчалик кўп мурожаат қилса, ўйлайманки, партиямизнинг обрўси, мавқеи, таъсири шунчалик ошган бўлади, бизга ишонувчи, эргашувчи, хайрихоҳлар сафи янада кенгаяди.

Телефон жиринглайди. Навбатчи гўшакни кўтаради.

— Ассалому алайкум, ХДП Жамоатчилик қабулхонасими?

— Худди шундай.

— «Пахтазор» қишлоғиданман. Биз томонда уч кундан бери газ йўқ. Шунга... сизларни ёрдам беришади дейишганди.

— Ўзингизни таништирмадингиз?

— Узр, Жумагул Темироваман. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ҳамқишлоқларимнинг илтимосига кўра, қўнғироқ қилаётгандим.

— Сиз айтган масалани ўрганамиз. Натижасидан албатта сизни хабардор қиламиз, — хотиржамлик билан сўзлайди У.Толбоев. Кейин эса туман «Газтаъминот» корхонаси диспетчерининг телефон рақамини теради ва унга ХДП Жамоатчилик қабулхонасидан безовта қилаётганини, «Пахтазор» қишлоғида уч кундан бери табиий газ йўқлигини, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини маълум қилади.

— Гапингиз тўғри. Чунки, узатиш тармоғида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шуни бугун бутлаймиз. Кечга бориб қишлоқда албатта газ бўлади.

— Шундай экан, бундан аҳолини ўз вақтида огоҳлантириб қўймайсизларми? Ахир бунинг имкони бор-ку!..

Шу куни қабулхонага 5 киши мурожаат этди. Улардан 4 нафари бевосита келиб, бир киши телефон орқали ўз ташвишини маълум қилди. 4 та мурожаатда қайд этилган масалалар шу кунниг ўзида ҳал этилишига ёрдам кўрсатилди. 1 тасида кўтарилган муаммо эса тегишли идораларга етказилди ҳамда назоратга олинди.

Очиғини айтганда, кўпгина масалаларнинг ечими, аксарият муаммоларнинг ҳал этилиши турли соҳа раҳбарларининг муносабати, эътиборига боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда, партиянинг туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида ҳар бир мурожаатга эътибор билан муносабатда бўлиш, тумандаги ташкилот ва корхоналар раҳбарларини жалб қилиш механизми ишлаб чиқилган. Бу борада халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари кўмагидан унумли ва ўринли фойдаланиш ҳам йўлга қўйилгани ўзининг ижобий самараларини бераяпти. Электорат манфаатларига дахлдор айрим масалалар бўйича эса мурожаат этувчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, йўл-йўриқ кўрсатиляпти.

— Муҳими, бизга умид билан мурожаат қилаётганларга ёрдам кўрсатиш, мурожаатларнинг биронтасиниям эътибордан четда қолдирмасдан ижобий ҳал этиш учун амалий ишлар қилишдир, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Ҳаким Номозов. Шундагина одамлар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан ёрдам олиш илинжида қабулхонамизга келади, қўнғироқлар қилади. Бу даргоҳга умид ва ишонч билан келган киши норизо бўлиб кетмаслиги лозим.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

❖ **Қутлаймиз!**





ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Икки йилдирки, мамлакатимизда журналистика соҳаси бўйича **«ОЛТИН ҚАЛАМ»** миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган тантанали тадбирда халқаро танлов ғолиблари аниқланди. Бу йилги «Олтин қалам» иккинчи миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов ғолиблари орасида «Ўзбекистон овози» газетасининг икки нафар ходими борлиги қувонарли ҳол. 376 журналист 5000 га яқин асари билан қатнашган мазкур нуфузли танловда **«Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»** номинацияси бўйича таҳририятимизнинг маънавият ва маърифат кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Мақсуд ҚОРИЕВ, «Фаол фуқаролик позицияси учун»** номинацияси бўйича эса газета мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Кўчқор НОРҚОБИЛ** ғолиб деб топилди.

Ҳар иккала ҳамкасбимизни ушбу мукофотлар билан қутлаймиз! Уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар, ғайрат-шижоат, сиҳат-саломатлик тилаймиз!

Таҳририят жамоаси

ҚУРИЛИШ

Қай замон бир чолга бермишлар савол:
— Чайла ҳам қурмабсиз, бу қандайин ҳол?
— Бор-йўғи уч юз йил умр кўрсаму
Шунга ҳам қурилиш шартми? — дермиш чол.

Абдулла ОРИПОВ,
3 май, 2007 йил

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгашида «Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, иқтидорли ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ва унда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг ўрни борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хонқа туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти тумандаги 38-мактабда «Йилнинг энг яхши китобхони» кўрик-танловини ташкил этди. Тадбир иштирокчилари китобга ошно бўлган киши албатта эзгу ишлар ижодкори, Ватан учун асл фарзанд бўлиши билан бирга, бўш вақтини мазмунли ўтказиши ҳақида қизиқарли чиқишлар қилдилар. Голибларга эсдалик совғалари ва китоблар тўплами топширилди.

Денов туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида «Икки авлод учрашуви» бўлиб ўтди. ЎзХДП туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, уста пахтакор Иброҳим Файзуллаев босиб ўтган йўллар, у амалга оширган эзгу ва хайрли ишлар ҳақида сўз борди. Қаҳрамоннинг ҳаёти ва фаолият йўли билан ўқувчиларни яқиндан таништириш ҳамда уларни миллий ғоя асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Самимий руҳда ўтган учрашув барчада яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ **Огоҳлик — давр талаби**

ҚИМОР ЭНГ КАТТА ГУНОҲЛАРДАН БИРИДИР

АЙНИ ЧОҒДА ТУРЛИ ЖИНОЯТ ВА ФОЖИАЛАРГА САБАБ БЎЛАДИ

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда ёшлар масаласи, уларнинг таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, бу борада асрларга тенг ишлар амалга оширилди. Шундай бўлишига қарамай, айрим нопок, ғараз ниятдаги кишилар улғаяётган ёшларимизни ҳар хил йўллар билан оғдиришга, онгини заҳарлашга уринмоқда. Бу йўлда улар турли усул ва воситалардан фойдаланмоқчи бўлаётганлари ҳам сир эмас. Ана шундай жирканч, қабиҳ усуллардан бири қимор ўйинларидир.

Барчага маълумки, ҳали ғўр, ҳаётда мустақил фикрига эга бўлмаган ёшлар бундай ўйинларнинг таъсирига тез тушиб қолмоқда. Кичик эътиборсизлик катта муаммоларни келтириб чиқарғани каби қартадан аланга олган воқелик кутилмаган хунрезликка олиб келади. Шу боис менталитетимизга ёт бўлган бундай иллатнинг олдини олиш мақсадида шу йилнинг 28 мартида Президентимизнинг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрида»ги Қарори қабул қилинди.

Яқинда Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган ҳуқуқий-тарбиявий тадбирда аҳоли, айниқса, ўсмир ва ёшлар орасида бундай ноқонуний ўйинлар тарқалмаслигининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, Мирзо Улуғбек тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, шунингдек, ёшлар иштирок этди.

Минҳожиддин МИРЗО, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари:

— Юртбошимиз томонидан қабул қилинган мазкур Қарор мамлакатимиз ёшларини эзгу йўлга даъват қилиш, ҳаётни заҳарлайдиган, асосий мақсадлардан чалғитадиган ҳар хил енгил-елпи қимор ўйинлари ва бошқа турли ноқонуний таъсирлардан асраб-авайлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Маълумки, бугун ҳаётимизни компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин мана шу компьютер ва улардаги ўйинларда, қолаверса, интернет деган чексиз оламнинг ичида ҳам сизу бизни тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган, ёвузликни тарғиб қилувчи ғоялар, мафкуралар бор. Ёшларимиз интернет орқали қайсидир ривожланган давлатдаги юксак виртуал кутубхона сайтига кириб, улуғ олимларнинг асарларидан баҳраманд бўлиши ҳам мумкин. Худди шунингдек, бу интернет улар қалбидаги орзуни чирқиратиб, энг разил, ҳаётни, умрни исроф қиладиган йўлларга ҳам бошлаши мумкин.

Улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак» деган эди. Бугун ёшларимиз олаётган билим, кўнглидаги мақсадлар ҳам мана шундай кучга эга. Шу нуқтаи назардан, юқоридаги жирканч ҳолатларга чалғиш фарзандларимиз қалбидаги қудратни, буюк ҳисни олижаноб ишларга эмас, ҳар хил бўлар-бўлмас мақсадларга сарфлаш билан тенг дейиш мумкин.

Президентимиз биз истеъдодли ёшларимизга, иқтидорли ўғил-қизларимизга қанот беришимиз керак, деган гапни кўп такрорлайдилар. Бу қанот нимадан иборат? Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилинганига ўн йил тўлибди, лекин бирор-бир давлат тарихида ўн йил ичида бутун мамлакат ёшларини қамраб олишга қаратилган бундай муҳташам академик лицей ва замонавий касб-ҳунар коллежлари бунёд этилмаган. Буларни барпо этишдан кўзланган мақсад — ёшларимизга чинакам қанот бахш этиш, ўзбек фарзандлари жаҳонда ўз билимига, кучига, тафаккурига таянган ҳолда ҳеч қайси миллатдан, ҳеч бир халқ вакилидан кам эмаслигини таъминлаб беришдир.

Бугун инсоният урушларга, низоларга чек қўйиш учун интилаётган замон, лекин бундай замонда сизу бизни яна битта катта майдон кутиб турибди. Бу тафаккур майдонлари. Бу тафаккур, заковат орқали жасорат, мардлик кўрсатадиган майдондир. Бунинг энг ёрқин намунасини кечагина миллатимиз Руслан Чагаев мисолида яққол кўрди. Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қарордан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизни ёмон йўллардан асраш, мана шундай улуғ ишларга ундашдир.

Одилжон АЛИМОВ, Мирзо Улуғбек тумани бош имом-хатиби:

— Инсонни инсон қиёфасидан чиқарадиган, эзгу амалларидан қайтарадиган энг қора ишлардан бири қимордир.

Шунингдек, исломда Аллоҳга шак келтириш, нопок ишларга қўл уриш, ота-онани норози қилиш, инсоннинг ақлини бузадиган, тўғри йўлдан чалғитадиган ишлар билан шуғулланиш олий гуноҳлардан ҳисобланиб, у албатта ўз жазосига эга дейилади. Шундай экан, бу йўлга кирмаслик учун доимо ўқиш, устозлар ўгитини олиш, касб-ҳунар эгаллаш, маънавиятли-маърифатли бўлиш лозим. Ана шуларга амал қилган инсоннигина бундай бало-қазолар четлаб ўтиши мумкин.

Отаназар НУРМАТОВ, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари:

— Аслида «қимор» деганда пул ёки буюм тикиб ўйналадиган, кишининг ўй-хаёлини олиб, ўзига жалб этувчи ўйин тури тушунилади. Ҳозирги кунга келиб уларнинг турлари жудаям кўпайди. Афсуски, кейинги пайтда бизда бундай жойлар, ҳатто «казино»лар ҳам учрамоқда. Олинган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри бўйича 13 та ана шундай ўйин жойи аниқланган, шулардан иккитаси бизнинг туманимизда фаолият кўрсатиб келган. Аммо ўтган йилнинг декабрь ойида уларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Жамиятимиздаги бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва тартибга солиш билан келажагимиз бўлган ёшларимизни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ноқонуний ўйинларга жалб этилиши каби салбий ҳолатларга қарши курашиш ва уларни бартараф этиш бу фақат ички ишлар идораларининг вазифаси бўлиб қолмай, унга жамоатчилик, барча маҳаллалар фаоллари, ўқитувчи-мураббийлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиши лозим.

Комилжон АҲМЕДОВ, Мирзо Улуғбек тумани вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси масъул котиби:

— Бир мисол. Жорий йилнинг 2-17 апрель кунлари Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда «Ўқувчи тадбир» рейдини амалга оширди. Натижада ўқувчи-ёшларнинг мактабга ўз вақтида ва тўлиқ қатнамаётганлиги, турли ишлар билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Бунга асосий сабаб, ҳозирда таълим муассасалари атрофида компьютер клублари кўпайиб кетган, улар ўз фаолиятларини Низом талабларини бузган ҳолда, яъни туну кун олиб бориши ва 18 ёшдан кичиклар учун тақиқланган ўйинларни ўйнаш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда содир бўлаётган жиноятларнинг асосий қисми, яъни 75 фоизи тунда юз бераётганлиги аниқланган. Бундай ўйинхоналарнинг кечаси фаолият юритиши нафақат жамоат тартиби бузилишига, балки баъзи оилаларда ижтимоий мувозанат кескинлашувига ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, туманнинг Хирмонтепа кўчасида яшовчи Ш.И. жорий йилнинг 16 февраль куни онасининг юз минг сўм пулини берухсат олиб тотализатор (яъни, қимор)га ишлатиб қўяди. Кейин у бу ишдан хабар топишларидан қўрқиб, кучли дорилар таъсирида ўз жонига қасд қилган.

Шунингдек, ушбу ўйинларга вояга етмаганларни жалб этиш оқибатида ўғирлик, безорилик каби жиноятлар, айниқса, ёшлар орасида кўпайиши кузатилмоқда. Бунинг олдини олиш учун эса интернет клублар, турли қиморхоналарни таълим муассасаларидан йироқлаштириш, улар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим, деб ўйдаймач. Зеро, ҳар бир бола маҳалла, қўни-қўшни эътиборида бўлса, ёмон йўлга юрмайди ва жиноятчилик ҳам ўз-ўзидан қисқаради.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ ёзиб олди.

❖ **2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»**

ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, айниқса, сил хасталигининг олдини олиш, силга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти республикамиздаги сил касалликларини даволаш билан шуғулланувчи етакчи тиббий маскан ҳисобланади.

Яқинда мазкур институт қошида Референс — мувофиқлаштирувчи лаборатория ўз фаолиятини бошлади.

Сил бактерияси устидан бактериологик таҳлил ўтказувчи бу лабораторияда айни пайтда Гулнора Мурмусаева, Лазиз Тўраев сингари врач бактериологлар ҳамда беш нафар лаборант иш олиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, Германиянинг Гаутинг шаҳридаги сил касалликларини самарали ташҳислаш лабораториясининг профессори Фельдман ташриф буюриб, лаборантларга Германиядан келтирилган асбоб-ускуналарни қўллаш усулларини ўргатди.

— Германиянинг КфВ ривожлантириш банки молиявий кўмаги асосида ташкил этилган мазкур Референс лаборатория беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам қулайлик яратди, — дейди лаборатория мудири, олий тоифали шифокор, бактериолог Гулнора Мурмусаева. — Эндиликда бу ерда бир неча соат ичида анализлар таҳлили ўтказилиб, ундаги сил бактериясининг хавфлилик даражаси ва миқдори аниқ белгилаб берилади.

Германиядан келтирилган люминистит микроскоп, генетик текширувлар учун амплификатор, гибридизатор, суюқликда тузлар миқдорини ўлчовчи Ph — метр ҳамда центрифуга сингари асбоб-ускуналар таҳлил натижаларининг бехатолигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, биологик безарар «II класс шкафи» бактериологик муолажаларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Қолаверса, Референс лабораториянинг асосий ишчи зонаси замонавий ҳаво тозалаш тизими билан жиҳозланган. Ушбу тизим ўз навбатида лабораторияда бир меъёрдаги тоза ҳаво муҳитини вужудга келтиради.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Референс лаборатория мудири Г.Мурмусаева ва иш жараёнидан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

❖ **Хотира — муқаддас**

МОҲИР ЖУРНАЛИСТ, ТАНИҚЛИ НОШИР ЭДИ

Ҳар бир инсоннинг умри бир китоб дейишади. Аммо шундай умрлар бўладики, ҳар қандай китобларга сиғмайди. Шундай умрлар бўладики, авлодлар уни узоқ йиллар эслаб юрадилар. Журналистика соҳасида қалам тебратиб, ноширликда ўзидан катта мерос қолдирган Файзулла Юнусов ҳам ибратли умри давомида бошқаларга яхши фазилатларни улашиб яшади, десак янглишмаймиз.

Файзулланинг отаси Тошкентнинг машҳур тадбиркорларидан, тоғалари эса ўз даврининг билимдон, зукко, Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган жамоат, маданият арбоблари эди. Хонадонларида адиблар, ҳофизлар, олиму уламолар тез-тез меҳмон бўлиб туришарди. Файзулла эса уларнинг суҳбатларини тинглаб, илм-фанга, маънавият, маърифатга, яхшилик ва эзгуликка ошно бўлиб ўсди. Китобга меҳр қўйди. Келажакда матбуотчи, матбаачи бўлиш орзуси билан яшади. Ўрта Осиё Давлат университетига кириб ўқишдан ҳам мақсади шу эди. Дорилфунунни тугатгач, уни Бухоро вилоятининг Қоракўл туман газетасига ишга юборишди. Шундан сўнг Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Наманган вилоятининг Косонсой туман газеталарида масъул котиб вазифасида фаолият кўрсатди. Косонсой туман газетасининг муҳаррири бўлиб ишлади. Бу даврда Файзулла Юнусов иккинчи жаҳон урушидан олдинги қишлоқ аҳолиси ҳаётини матбуот саҳифаларида кенг ёритишга, уларнинг ғам-ташвиши, қайғуалами, шоду хуррам кунларига шерик бўлди. Самимийлиги, кўнгли очиқлиги, соддадил ва меҳрибонлиги билан Фарғона водийси аҳолиси орасида ҳурматга сазовор бўлди. Оддий одамлар ҳаётини чуқур ўрганди. Журналистикада ҳам, ҳаётда ҳам тажрибаси ошган моҳир журналист 1938 йилдан «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудири бўлиб меҳнат қилди. 1941 йилда армияга чақирилган Файзулла иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Шундан сўнг юртга қайтиб давлат идораларида ишини давом эттирди. Асл ижодкор бари-бир ўз севимли касбини қумсарди. Ниҳоят 1952 йилда ёшлигидан орзу қилган соҳасида иш бошлади. Жонкуяр матбаачи сифатида танилди. У журналистика, давлат ишларида орттирган тажрибаси, билимини нашриётни, матбаачиликни ривожлантиришга сарфлади. Асосий диққат-эътибори китобларни сифатли, чуқур мазмунли, юксак савияли қилиб ўз вақтида чиқаришга, китобхонлар қўлига етиб боришига қаратди. Бу даврда нашриётда чиқаётган китоблар нусхалари кўпайди, мавзу, муаллифлар доираси анча кенгайди.

Ф.Юнусов бир қанча нашриётларнинг ташкил топишида жонбозлик кўрсатди. Ноширлик қилган йилларида ҳам журналистикани унутмади, кўплаб мақолалари республика газеталарида босилиб турарди.

Ўзбекистон матбуоти ва матбаачилиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган моҳир журналист, фидойи ношир, камтарин, инсон Ф.Юнусов умр йўлдоши Ҳадича ая билан жамиятга, эл-улусга нафи тегадиган фарзандларни тарбиялаб вояга етказди.

Файзулла Юнусов ҳаёт бўлганида ҳозир юз ёшни қоралаган бўларди. У журналист, ношир, жамоат арбоби, энг асосийси, оддий ва самимий инсон сифатида авлодлар хотирасида қолди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

9 МАЙ
Хотира ва Қадрлаш куни

Пойтахтимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Фахрийлар ҳамиша эътиборда» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга миллий матбуотимиз ривожи йўлида узоқ йиллар самарали ишлаган журналистлар, уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф қилинди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, фахрий журналистлар Мақсуд Қориев, Зиёд Есенбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бирга, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, фахрий журналистларни эъзозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда фахрий журналистларга байрам совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

❖ **Банк ва мижоз**

МИНИБАНКЛАР ВА КРЕДИТЛАР ШАРОФАТИ

ЁКИ АТ «ПАХТА БАНК» ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МИНИБАНКЛАР ХУСУСИДА

Бу йилги баҳор мамлакатимиз чорвадорлари ва ғаллакорлари учун анча қулай келди. Шу боис ғаллазорлар гуркираб ривожланмоқда. Қирадирлар эса ўт-ўланлар билан қопланди. Бу эса мўл озуқа дегани.

Лекин пахтакорлар бироз чўчиб қолишди. Осмон сербулут бўлиб, кетма-кет ёмғиру жала қуйгани сабаб чигит экиш сал кечикди. Аммо бундай паллада деҳқон-фермерлар ўзларини ёлғиз ҳис этмайдилар. Негаки, уларга ҳамиша кўмак беришга шай турган қатор муассасалар, ташкилотлар бор. Бинобарин бундай долзарб пайтда кўрсатилган ёрдам, чинакам ғамхўрлик ўз самарасини бермай қолмади.

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси ҳам ана шундай долзарб паллада қишлоқ меҳнаткашларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, техника эҳтиёт қисмлари, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда машина-механизмлар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига 911,5 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Ғап шундаки, эндиликда «Пахта банк»нинг Тошкент вилоят бошқармаси фермерларга ўзининг минибанклари орқали хизмат кўрсатмоқда. Ваҳоланки бундан тўрт йиллар аввал вилоятнинг Юқори Чирчиқ туманидаги «Саксон ота», «Жамбул» ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилган эди. Худди ана шу фермер хўжаликларига вақтида хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида банкнинг Янгибозор бўлими қошида «Олға» ва «Жамбул» минибанклари очилгач, яхшилаб жиҳозланиб, компьютер технологияси билан таъминланди. 52 фермер хўжалиги минибанк мижозига айланди.

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига эса 50 та минибанк тўлиқ фаолият юритиб мижозларга сифатли хизмат кўрсатди. Шу йилнинг 1-чорагида эса яна 7 та минибанк ташкил этилиб, малакали ходимлар, замонавий техника воситалари билан жиҳозланди.

Микрофирмаларга, кичик ва хусусий бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилувчи имтиёзли кредит жамғармаси ташкил этилганлиги қувончли бўлди. Унинг мақсади — иқтисодиётнинг ривожланишида кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига мақбул шароитларни яратиб беришдир. Жамғарма ҳисобидан имтиёзли микрокредит ажратиш — аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, энг муҳими, қишлоқ жойларида янги ишчи ўринлари яратишга мўлжалланган. Банкнинг Чиноз,Янгибозор, Бўка, Зафар, Гулбаҳор ва бошқа филиаллари таркибида минибанклар учун алоҳида бинолар ажратилиб, қулай шароитлар яратилди. Уларнинг хизматидан кўпчилик мамнун.

Масалан, банкнинг Зафар бўлими мижози, Бекобод туманида фаолият юритаётган «Шоввоз Жаҳон» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Раҳматуллаев 2007 йилда янги техника сотиб олишни мўлжаллаб, банк бўлимига мурожаат қилди. Банк билан фермер ўртасида тузилган шартномага асосан шу йилнинг 24 февралида «Шоввоз Жаҳон» фермер хўжалигига қарийб 25 млн. сўм кредит маблағи ўтказиб берилди. Фермер эса ана шу маблағ эвазига «Белорус МТЗ-80» русумли трактор сотиб олди. Фермернинг ишлари юришиб кетди. Ўтган йилги пахта ва ғалла топшириш режалари ортиғи билан уддаланди. Бу йил эса хўжалик 34 гектар майдонда буғдой етиштирмоқда. Мўлжал давлатга 72,9 тонна ғалла етказиб бериш. 33 гектар майдонга чигит қадалди. 61,1 тонна пахта етиштириб давлат режасини бажариш фермернинг эзгу нияти. Ушбу хўжалик йил охиригача 32 млн. 674 минг сўм даромад олишни режалаштирган.

Банкнинг Янгийўл филиали мижози Абдутолиб Содиқов раҳбарлигидаги «Умид АС» масъулияти чекланган жамияти 2005 йилнинг август ойида иссиқхона қуришга қарор қилган эди. Бироқ, қурилиш материаллари сотиб олиш учун каттагина маблағ зарур эди. Тадбиркор ҳеч иккиланмай «Пахта банк»нинг Янгийўл филиалидан кредит олишни режалаштирди. Қисқа муддатда ҳужжатлар расмийлаштирилди. А.Содиқовга 25 млн. сўм ажратиб берилди. Жамият аъзолари тез фурсатда ярим гектар майдонда иссиқхона бунёд этишди. Қиш фаслида помидор етиштирилди. Ушбу хўжалик субъекти томонидан етиштирилган маҳсулотни сотишдан тушган маблағ кўпайиб борди. Кредит учун ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўлаб борилаяпти. Банк кассасига сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобидан 34 млн. 164 минг сўм миқдорида нақд пул топширилди. Бу йилги қишда ҳам «Умид» АС МЧЖнинг иссиқхонасида помидор экилган. Жамият аъзолари кўплаб маҳсулот сотиш эвазига шу йилнинг ўзидаёқ банкдан олинган кредитнинг 50 фоизини сўндиришмоқчи.

1

2

❖ Мутахассис фикри

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУКАММАЛ ДАРАЖАДА БЎЛИШИНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Шарқ фалсафасида оила илоҳий куч-қудрат ҳимоясида бўлган мустаҳкам қўрғонга қиёсланади. Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидан ҳисобланади.

Жорий йилнинг 6 апрелида матбуотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йилнинг 22 ноябрида қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 29 мартда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди.

Оила мустаҳкамлигининг асосини таъминловчи Оила кодекси ва унга киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир оила аъзоси теран англаб етмоғи жуда муҳимдир.

Бугун бу борада мамлакатимиз аҳолиси орасида тарғибот-ташвиқот ишлари қай даражада олиб бориляпти? Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нурия ТУРЕЕВА шулар ҳақда батафсил гапириб берди.

— Жамиятимизда оиланинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Қомусимизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади», деб таъкидланади.

Мамлакатимизда оиланинг гултожи бўлган хотин-қизлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Зеро, жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий турмушда уларнинг нуфузини кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизими зиммасига масъулиятли вазифа юкланган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлашга қаратилган 29 июндаги қарори асосида қўмитамиз оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини муҳофазалаш борасида кўпгина хайрли ишларни олиб боряпти. Айниқса, жамиятимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, оилани соғломлаштириш, хонадонларда миллий қадриятларимизга асосланган соғлом маънавий турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Соғлом оила — шажараларимизнинг боқийлигини таъминловчи энг муҳим восита ҳисобланади. Бугун биз шуни алоҳида ифтихор билан айтамизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Юртбошимиз жонбозлигида 1993 йили «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, никоҳдан ўтувчи ҳар бир йигит-қиз — келин-куёвнинг наслига салбий таъсир этувчи хасталик (руҳий, наркологик, зоҳм, сил ва ОИТС) бўйича чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтиши қатъий белгилаб қўйилди.

Аммо оила ўз навбатида ўта мураккаб психологик характерга эга бўлган қўрғонлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Кези келганда, ўзим гувоҳ бўлган ҳаётий бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Бундан бир неча йиллар аввал бир танишимнинг қизи «ўтириб» қолди, ёши 28 га етганда қўшни тумандан ўзига тўқ хонадондан совчи келди. Келинга баъзилар: «бу йигитни яхшилаб суриштир, ичади, чекади, ахлоқсиз деб эшитдик, қўй буни, ўтирган қиз ўрнини топади» деса қулоқ солмади. Никоҳ кечаси ўйин-кулгу авжига чиққанда, икки ёш табрик сўзига ўрнидан турааётганда куёв шилқ этиб йиқилиб тушди. Куёвжўра уни қўлтиғидан ушлаб жойига ўтқазди. Дарров куёвни базмдан қўлда кўтариб олиб чиқиб кетишди. Аммо 15-20 дақиқада яна куёв «соғайиб», тўй давом этди. Меҳмонлар «куёвнинг тутқаноғи бор экан», деб ўйлашди. Эшитишимча, келин бир ҳафтадан сўнг турмуш ўртоғининг гиёҳвандлигини билган. Аммо орқага йўл йўқ, деб яшайверди. Олти ой ўтмасданоқ куёв келиннинг сарпоси-ю, тилло тақинчоқларини, умуман, уйдаги қўлга илинган жиҳозларни сотиб, гиёҳванд моддага сарфлай бошлади. Келин ҳомиладор бўлди, ногирон ўғил туғди, аммо гўдак ёшига етмасдан нобуд бўлди... Орада икки оила маънан ва моддий зарар кўрди. Ваҳоланки, келин-куёв никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтган — «соппа-соғ» деган қўлларида маълумотномаларим бор. Кўрдингизми, битта нопок шифокорнинг вазифасига масъулиятсизлиги икки оилани, яқинларини қанчалар изтиробга қўйди.

Ҳаётнинг ўзи бугунги оиланинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга эҳтиёж, зарурат туғилганидан далолат берди. «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу маънавий эҳтиёжимизни қондиради.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексининг 17-моддаси уч қисмдан иборат. Ушбу модданинг янги таҳрири никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ ишларни судларда ҳал қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Оила қуришнинг ўта нозик ва мураккаб жиҳатларини ҳисобга олиб, амалдаги қонун ҳужжатларидаги муайян зиддиятларни бартараф этишни кўзлаб, Кодекснинг 17-моддаси учинчи қисмига ўзгартишлар киритилди. Энди мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, агар никоҳланувчи шахслардан бири таносил, ОИТС инфекцияси юқтиргалигини яширса, бехабар шахс никоҳини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

Оила муқаддас тушунча, у ҳеч қайси жамиятда ҳеч қачон кимларнингдир манфаатига хизмат қилувчи восита бўлолмайди. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда баъзи кимсалар турли мақсадларни кўзлаб, айтайлик, пойтахтда ёки бошқа шаҳарда яшаш ҳуқуқига эришиш учун қалбаки никоҳдан ўтиб, турар-жойларда рўйхатдан ўта бошлашди. Ноқонуний тарзда уй-жойларини мўмай пуллаш мақсадида ҳам сохта никоҳлар сони орта бошлади.

Юқорида келтирилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Оила кодексининг 49-моддаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади: Кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».

Қонун — жамият тараққиётини муҳофазаловчи муҳим ҳужжатдир. Бинобарин, оиланинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, соғломлиги, келажак ёш авлоднинг баркамоллиги мамлакатнинг куч-қудратини белгилаб беради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, аҳоли, айниқса, ёшлар, мактаб, лицей, коллежларда таҳсил олаётган йигит-қизлар орасида соғлом оила қуришнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий асосларини тарғиб қилишга катта аҳамият қаратяпти. Ҳозирги кунда Оила кодекси, унинг янги таҳрирдаги моддалари моҳиятини одамлар онгига чуқурроқ сингдириш чора-тадбирларини кўряпмиз. Айниқса, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш — оила барқарорлиги, мустаҳкамлигининг асоси-эканлиги, оила ажримларининг олдини олишини ёшларнинг ўзлари тафаккурлай билишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиз.

Мухтасар айтганда, Оила кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгартиш мамлакатимиздаги ҳар бир оила барқарорлигини таъминлайди. Оила қуриш бўсағасида турган ёш йигит-қизлар оила асосларини теран англашларига хизмат қилади.

Саида САЙХУН
ёзиб олди.

Яна бир мисол. Лола Убайдуллаева «Умид-шифо» хусусий шифохонасини ташкил этганди. 2004 йилнинг 10 июнида банкнинг Зафар бўлими билан шартнома тузди. Бандлик жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан 3 йил муддатга йиллик 9 фоизли кредит шартномасига имзо чекишди. Натижада «Узи» аппарати сотиб олиш учун банк томонидан 5 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Айни пайтда Зафар қўрғонида фаолият юритаётган ушбу хусусий шифохона туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари 3 та янги ишчи ўрни яратилди.

Маълумки, банк ўз фойдасини маҳсулотлар реализациясига кўра шакллантиради. Ҳисоб касса хизмати, кредит ажратиш ва унга кафолат бериш банк маҳсулотларидир.

Энди рақамларга мурожаат этайлик: 2007 йил 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг қолдиғи 3 млрд 783,6 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, микрокредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига жами берилган микрокредитлар ҳажми 1 млрд. 488,6 млн. сўмни ташкил этади, жумладан, тармоқлар бўйича қуйидагича, қишлоқ хўжалигига — 1 млрд. 329,9 млн. сўм ёки 89.34 фоиз, саноатга — 49,6 млн. сўм ёки 6 фоиз, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга — 109,1 млн. сўм ёки 8 фоиз берилди. 2006 йил давомида вилоят бўйича банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан жами 1 млрд. 755 млн. сўм кредит ажратилган.

Ат «Пахта банк» бошқаруви томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини кафолатли омонатларга жалб қилиш мақсадида янги — юқори, манфаатли ва қулай муддатли омонат турлари жорий этилмоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этишни кенгайтириш мақсадида «Ҳимоя», «Омад», «Совға» ва 2007 йилнинг апрель ойи бошларида жорий этилган «Сармоя» номли мижозлар учун қулай бўлган фоизлардаги муддатли омонат турлари кўпчиликни қизиқтирмоқда. Жумладан, янги «Сармоя» номли омонат турига бошланғич бадалнинг энг кам миқдори 50 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим. Депозитнинг энг кўп миқдори чегараланмайди.

Аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш ва уларнинг коммунал қарздорликларини камайтириш борасида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Марказий банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ва қонун чиқарувчи органлар қарорларини ижро этиш борасида дастурлар ишлаб чиқилди. Унга кўра бошқармада 2007 йил 1-чораги давомида коммунал тўловлар учун жами 1 млрд 468 млн. 883 минг сўм нақд пул йиғилган бўлиб, шу жумладан, газ учун — 685 млн. 756 минг сўм, электр энергия учун — 251 млн. 938 минг сўм, алоқа хизматлар учун — 233 млн. 350 минг сўм, бошқа коммунал хизматлари учун — 297 млн. 840 минг сўм қабул қилинган.

Бир сўз билан айтганда, бошқарма жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

3 t

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги Кумушкент қишлоғида 720 ўринли педагогика касб-ҳунар коллежи биноси тез орада фойдаланишга топширилади.

— Мазкур объектни 1-«Вилоятқурилиш» акциядорлик жамиятлари уюшмасининг «МПМК-201» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бунёдкорлари барпо этишмоқда, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муҳиддин Эсанов. — Уч қаватли мазкур бино қурилишига 2 миллиард 227 миллион сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилган. Ҳозиргача ўқув биноси, устахона, спорт майдончасидаги бунёдкорликлар ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда худди шундай касб-ҳунар коллежлари вилоятнинг 10 та ҳудудида барпо этилмоқда. Бу эса Бухорода фарзандлар келажаги йўлида катта ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«POYTAXT AUKSION»
давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 июнь ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 529 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-«а» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 524 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 45-«а» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги республика марказининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AF 297 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 2 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино Комбинати» ОАЖнинг қуйидаги автотранспорт воситалари:

— 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AT 912 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.

— 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AT 903 бўлган «ГАЗ-5312» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AT 916 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-23-40.

БИРИНЧИ ТУР САЙЛОВЛАРИ

ЭРТАГА ҚАЙТА ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, Туркияда 27 апрель куни президент сайловларининг биринчи тури бўлиб ўтган эди. Лекин Конституциявий суд сешанба куни уни ноқонуний деб топганди. Сабаб: парламент депутатларининг тўлиқ кворуми (367 нафар бўлиши лозим эди) таъминланмаган. Бу эса Асосий қонун талабларига зиддир. Овоз беришда 6 депутат иштирок этмаган. Шунинг учун эртага парламентда президент учун овоз беришнинг биринчи тури қайта ўтказилади.

Парламент қарорига кўра, иккинчи тур 9 майга, учинчи тур 12 майга, тўртинчи тур эса 15 майга белгиланган. Агар номзод биринчи турда кўп овоз ололмаса, қолган турлар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Туркия президентлигига ташқи ишлар вазири Абдулла Гул ягона номзод қилиб кўрсатилган.

Яна бир гап. Туркия парламенти Марказий сайлов комиссиясининг 22 июль куни навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш тўғрисидаги таклифини тасдиқлади. Буни конституциявий масалалар бўйича Туркия мажлиси комиссияси ҳам маъқуллади. Навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш ташаббусини мамлакат бош вазири Тайип Эрдоган етакчилигидаги ҳукмрон «Адолат ва тараққиёт партияси» вакиллари илгари сурдилар.

Дастлаб сайловларни 24 июнда ўтказиш режалаштирилган эди, лекин Марказий сайлов комиссияси раиси Муаммар Айдин техник сабабларга кўра, бу муддатда ўтказиш мумкин эмаслигини айтгач, июлга кўчирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Berliner Zeitung» газетаси хабар беришича, «Адолат ва тараққиёт партияси» мамлакат Конституциясига ўзгартишлар киритиш таклифини ҳам ўртага ташлади. Ушбу таклифга кўра, давлат раҳбари парламентда овоз бериш йўли билан эмас, балки умумхалқ овозига қўйиш йўли билан, ҳозиргидек 7 йилга эмас, балки 5 йилга икки марта сайланиш ҳуқуқи берилиши қайд этилган. Бундан ташқари, парламент депутатлари мандатини ҳозирги 5 йилдан 4 йилга камайтириш таклифи ҳам илгари сурилди.

Маълумки, амалдаги президент Аҳмед Неждет Сезернинг 7 йиллик президентлик ваколати муддати 16 майда якунланади. Шунинг учун сиёсий доиралар орасида янги президент сайлангунча мамлакатни ким бошқараркан, президентнинг ўзими ёки парламент спикерими, деган гап-сўзлар урчиб кетганлиги боис, куни кеча Аҳмед Неждет Сезер янги президент сайлангунча давлатни ўзи бошқариб туриши ҳақида баёнот берди.

ПРЕЗИДЕНТ ВЕТО ҚЎЛЛАГАН ЭДИ

КОНГРЕССМЕНЛАР УНИ БЕКОР ҚИЛМОҚЧИ БЎЛИШДИ, ЛЕКИН...

Америка Конгрессининг Вакиллар палатаси президент ветосини бекор қилиш бўйича етарли овоз тўплай олмади.

Гап шундаки, апрель охирларида Конгресснинг иккала палатаси ҳам Ироқдан Америка қўшинини 2008 йил 31 мартгача олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилган эди. Унда қўшинни олиб чиқиш шу йил 1 октябрдан кечиктирмай бошланиши ва 6 ой муддатда якунланиши лозимлиги қайд этилган. Бироқ президент Жорж Буш сешанба куни ушбу қонун лойиҳасига нисбатан вето қабул қилган. Мазкур ветони бекор қилиш масаласи куни кеча Вакиллар палатасида овозга қўйилди. Лекин, — дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида, — етарли овоз йиғилмади. 222 конгрессмен вето бекор қилиниши учун овоз берган бўлса, 203 нафари қарши чиқди. Америка қонунчилигига кўра, конгрессменларнинг учдан икки қисми, яъни 290 нафари овоз берсагина, масала қабул қилинган ҳисобланади.

ТЕРРОРЧИЛИК АКТЛАРИ

КАМАЙИШ ЎРНИГА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Дунёда террорнинг қамрови йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Тинч аҳоли орасида эса жабр кўраётганлар сони ортмоқда. Буни АҚШ давлат департаментининг терроризм ҳақидаги йиллик ҳисоботида қайд этилган фактлар тасдиқламоқда.

АҚШ давлат департаментидан олинган манбаларга асосланиб, «Washington ProFile» ахборот агентлиги хабар тарқатишича, 2006 йили дунёда содир этилган террорчилик актлари сони 2005 йилга нисбатан 25 фоизга ортган. Унинг натижасида тинч аҳоли орасида ўлим эса 40 фоизга ошган.

Маълумотларга қараганда, жаҳон жамоатчилиги аввалги йиллардагига қараганда, хавфсизлик чораларини кучайтирган, чегараларни қўриқлаш мустаҳкамланган, разведка ахборотларини айирбошлаш аввалгига нисбатан яхши йўлга қўйилган, террор тизимини молиялаш йўли қирқилган бўлишига қарамай, барибир террор содир этилиши камайгани йўқ. Фақат йирик микёсдаги террор ҳужумлари даражаси пасайган холос.

Давлат департаменти ҳисоботида Сурия, Эрон, Куба, Шимолий Корея ва Судан давлатлари террорчилик гуруҳларини қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар қаторига киритилган.

Ҳисоботда қайд этилган маълумотларга кўра, 2006 йили дунёда 14338та террор содир этилган (бу кўрсаткич 2005 йили 11153 та эди), унинг оқибатида 20498 киши (2005 йили 14618 та эди) ҳаётдан кўз юмган.

Ҳозирги кунда Ироқ террор энг авж олган ҳудуд ҳисобланмоқда. Дунё бўйича содир этилган террорларнинг 45 фоизи Ироқ «гардани»га тўғри келмоқда (фақат тинч аҳолига нисбатан уюштирилган террорлар ҳисобга олинганда). У ерда террор 2005 йилга қараганда икки бараварга ортган — 3468 тадан 6630 тага кўпайган. Дунёда террорчилар томонидан одам ўғирланиши тенг ярмига қисқарган бўлишига қарамай, Ироқда бу кўрсаткич уч юз фоизга ортган. Афғонистон ҳам хавфли ҳудудлар «зонаси»га киради. Ўтган йили террор бу ерда 50 фоизга ошган — 491 тадан 749 тага етган.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

БЕЛОРУСИЯГА ЎРИН БЕРМАСЛИК ТАРАФДОРИ

— Инсон ҳақуқлари ҳимояси бўйича шуғулланувчи турли мамлакатлардаги 40 дан ортиқ ташкилот БМТ Бош Ассамблеясига мурожаат этиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида Белорусияга ўрин берилмаслигини сўради, дейилади «Телеграф» ахборот агентлиги хабарида.

Мурожаатнома муаллифларининг тасдиқлашларича, Белорусияда инсон ҳуқуқлари бузилиши кўп қайд этилмоқда.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайловлар шу йилнинг 17 майида бўлиб ўтади. Белорусия эса бу кенгашдан ўрин олишга ҳаракат қилмоқда. Кенгашдан ўрин олиш учун БМТ Бош Ассамблеяси аъзоларининг кўпчилиги овоз бериши лозим. Жой эса географик ҳудудлар бўйича бўлинган квотага асосан белгиланади. Белорусия Шарқий Европа ҳудудида жойлашганлиги учун ушбу ҳудуд квотаси бўйича сайланиши мумкин. Ҳозирги кунда эса БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашини Польша, Чехия, Руминия, Венгрия, Россия ва Украина намоён этиб турибди.

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНАЁТГАН ЗОБИТ

ҚИРҒИЗИСТОН ҲУДУДИДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ

Қирғизистон фуқароси Александр Ивановнинг ўлимида айбланаётган АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий хизматчиси Закари Хэтфилд Қирғизистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилди. АҚШнинг республикадаги элчиси Мари Йовановичнинг айтишича, у Америкага олиб бориб, ўша ерда суд қилинади. Шу муносабат билан Қирғизистон тергов органлари мазкур масала юзасидан тергов-суриштирув ишларини тўхтатди.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йил 6 декабрь куни Халқаро антитеррор коалицияси кучлари жойлашган база — Бишкекдаги Манас аэропорти назорат постларидан бирида Закари Хэтфилд Александр Ивановни отиб ташлаган эди. Иванов Манас аэропортига ёнилғи ташувчи ҳайдовчи бўлиб ишларди.

Қирғизистон Бош прокуратураси бу фожиа юзасидан жиноят иши қўзғаш ва тергов-суриштирув ишларини олиб бориш учун Хэтфилдни республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига топшириш масаласи бўйича авиабаза қўмондонлигига бир неча бор расмий мурожаат этди. Бироқ ҳукуматлараро имзоланган битим шартларига кўра, ушбу авиабаза ҳарбийлари дипломатик мандат ваколатига эгалиги боис авиабаза қўмондонлиги Хэтфилдни Қирғизистон ихтиёрига бермади.

Маълумки, ушбу авиабаза 2001 йил декабрда Манас аэропорти ҳудудида ташкил этилган. База асосан АҚШ ҳарбий ҳаво кучларидан таркиб топган. Улар Афғонистондаги ҳарбий операцияларни қўллаб-қувватлашда иштирок этмоқда.

ИТАР-ТАСС берган маълумотларга кўра, ушбу авиабазада мингга яқин ҳарбий хизмат қилмоқда.

❖ Тадбир

ҚЎНҒИРТОВДА ҲИЛПИРАГАН БАЙРОҚ

Тинчлик, барқарорлик ҳукм сурган жойда, албатта, тўй тўйга, шодиёна шодиёнага уланади. Яқинда Қарши шаҳри ва Косон туманида бўлиб ўтган нуфузли тадбир бунинг яққол исботидир. «Ижтимоий ҳимоя йили»га, буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 672 йиллигига бағишланган ушбу анжуманга пойтахтдан ҳам бир гуруҳ ижодкорлар, санъаткорлар ташриф буюришди.

— Бугунги тадбиримизнинг шиори «Истиқлол. Адабиёт. Спорт.» — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Абдураҳим Эркаев. — Тўғри, бу уч сўз айри-айрича тушунчага, мазмун-моҳиятга эга бўлса-да, лекин ҳар учовини ҳам бирлаштириб турадиган битта ўқ илдиз бор. Бу — миллий мафкура, миллий ғоя. Анжумандан кўзланган мақсад ҳам аслида миллий мафкурани ёшларимиз онгига, қалбига чуқурроқ сингдиришдир. Бу масалада қуруқ маърузабозлик, насиҳатгўйлик билан иш битмайди. Чин байрамона руҳдаги тадбирлар керак.

Дарҳақиқат, Қарши шаҳрида бошланиб, сўнг Косон туманида, Қўнғиртов ёнбағирларида давом этган тадбирлар умумхалқ байрамига айланиб кетди. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли ижодкорлар, олимлар ва вилоят зиёлилари ўртасида кечган истиқлол, миллий мафкура ҳақидаги давра суҳбатлари адабиётга, бадиий ижодга доир қизғин баҳс-мунозараларга боғланди. Кейинчалик адабий гурунглар, шеърхонликлар ажиб бир тарзда спорт тадбирларига, қадрдон миллий кураш мусобақаларига уланиб кетди. Шу йўсин меҳмонлар «Истиқлол. Адабиёт. Спорт.» деган анжуман шиори нозик дид, кенг мулоҳаза билан тўғри танланганига яна бир карра амин бўлишди.

Тантаналар энг аввал М.Тошмуҳаммедов номидаги вилоят театрида бошланди. Томоша зали чақноқ кўз, жўшқин қалбли ёшлар билан тўлди. Бу ерда Қарши педагогика коллежи жамоаси томонидан уюштирилган «Темурий баҳодирлар» деб аталган мусобақа ҳам бўлиб ўтди.

— Ажойиб беллашув бўлди, — дейди анжуман иштирокчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, — ҳаммаси самимий, ҳаммаси чин кўнгилдан тайёрланган. Бундай ёшлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Театр томошаларидан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўчма фаоллар йиғини ҳам бўлиб ўтди. Уни уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошқарди. Қизғин адабий суҳбатга, баҳс-мунозарага бой бўлган ушбу мажлисда Қашқадарё вилоятида яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларнинг фаолияти кенг муҳокама қилинди. Ҳ.Эгамбердиева, С.Каттабоев, О.Омон каби қаламкашларнинг ижодий фаолияти юқори баҳоланиб, улар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Шундан сўнг тадбир тантаналари Косон тумани ҳудудига кўчди.

— Менда айниқса, 90-мактабдаги учрашув ёрқин таассурот қолдирди. — дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. — Мактаб стадионига ёшу қари йиғилган экан. Айниқса, завқ-шавқли концерт томошасини айтмайсизми?

Косон туманидаги 90-мактабда ўтган хайрия тадбиридан сўнг меҳмонлар Қўнғиртов қирларидан томон ошиқишди. Чунки бу ерда катта кураш мусобақаси бошланиш арафасида эди.

Қўнғиртов — бағрида Абдулла Ориповдек улуғ шоирни, Раҳматжон Турсуновдек етук бастакорни улғайтирган, энг гўзал мисраларни, энг нозик оҳангларни бахшида этган қутлуғ маскан. Кураш мусобақасига мўлжалланган кенг ялангликда тумонат одам. Бутун теварак чинакам миллий қиёфа касб этган. Ўтовлар тикилиб, ҳар ёнга гилам-поёндозлар тўшалган. Қўнғиртов қир-тепаликларида сон-саноқсиз давлатимиз байроғи мағрур ҳилпирайди.

— Кураш мусобақаси учун бу ерни бежиз танламадик, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, Косон тумани прокурори Шерниёз Умрзоқов. — Ҳам рамзий, ҳам чин маънода она тупроққа яқин бўлишни, ундан кучқувват олишни истадик.

Қўнғиртовдаги кураш мусобақаси ғоят қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди. Бу ерга нафақат теварак-атрофдан, балки узоқ вилоятлардан ҳам полвонлар, томошабинлар йиғилган эди. Нақ уч-тўрт соат давом этган, завқ-шавққа тўла мусобақа кечга яқин якунланди. Абдулла Тангриев ва Давлат Чориев бош соврин эгалари бўлишди. Аммо миллий кураш билан боғлиқ тадбирлар тугамади. Эртаси куни Косон туманидаги «Алпомиш» спорт соғломлаштириш маркази биносида ёш ўспирин полвонлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақадан олдин меҳмонлар Косон туманида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишдилар. Кундан-кунга чирой очаётган туман маркази, бир-биридан гўзал қишлоқлар, энг муҳими, юз-кўзида мамнуният, қувонч балқиб турган косонликлар меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди.

— Спорт соғломлаштириш марказимизни яқиндагина таъмирдан чиқардик, — дейди муассаса директори Санжар Мустафоев. — Айни пайтда кураш, бадиий гимнастика тўгараклари ишлаб турибди. Тез кунлар ичида бокс тўгараги ҳам иш бошлайди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг тарихий ғалабасидан сўнг, туманимиз ёшлари ўртасида ҳам боксга қизиқиш кескин ортди. Ўйлайманки, келажакда Косондан ҳам чемпионлар чиқади.

«Алпомиш» спорт соғломлаштириш марказидаги кураш мусобақаси ҳам жуда қизғин ўтди.

— Бу болакайларнинг ҳозирча билагидан кўра юраги кучли, ор-номуси кучли, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. — Шу сабаб бемалол айтиш мумкинки, улардан энг аввало юрт, Ватан шаънини ҳимоя қиладиган, собит ирода, кўнгли тонгдай тоза паҳлавонлар етишиб чиқади. Бунга менинг ишончим комил.

Дарҳақиқат, Қашқадарё тупроғида ўтган серфайз тадбирлар бу йилги баҳор ёмғирларидек кўнгилларга эш бўлди. Зеро, ҳеч бир хайрли иш, яхши ният, кўклам абру найсонидек беиз, беҳуда кетмайди. У албатта эртага ўз мевасини беради.

Луқмон БЎРИХОН

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

❖ Мулоҳаза

ҚИШЛОҚ НОМИ «КЕКИРТАК»

ЁХУД МАНТИҚСИЗ, БЕЎХШОВ АТАМАЛАР ХУСУСИДА

«... Қўқон — Фарғона» автомобиль йўлидаги Учкўприк тумани марказига ўтувчи йўл ёқасида «Буйрак» ва «Кекиртак» деб аталувчи қишлоқлар бор. Бу номларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида шу ерликларнинг ўзларидан сўрасангиз турли туман ҳикояту риваятларни ҳам айтиб беришади. Бир ишонасиз, бир ишонмайсиз. Барибир қизиқ-да. Одам аъзолари билан боғлиқ бу қишлоқлар номлари шу тахлит аталиб кетилаверса, эрта бир кун келиб биз ўз авлодларимиз олдида уялиб қолмаймизми?..»

●●●

Бу сатрларни фарғоналик мухбиримиз Алишер Ибодиновнинг таҳририятга йўллаган мақоласидан келтираяпмиз. Бир қарашда жуда оддий ва жўн туюлган бу мавзунинг бугунги кунда жиддий баҳс юритишга арзишини эътиборга олиб, шу баҳона айрим мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Хўш, тасаввур қилинг, айнан ҳамкасбимиз тилга олаётган қишлоқда яшаётган одам бутунлай бошқа бир ҳудудга бориб, мен «Кекиртак»дан келдим, деса кулгуга қолиши ҳеч гапмас. Айтарсиз, нима, Кекиртак ё Буйрак деганлари-ку майли, бу ёқда бир шоввоз «Мен Эшимоқсоданман ёки қулқишлоқлик Эшмат ака қизини Гадойтопмасга узатибди» деб турса, куласизми ё куясизми?

Келинг, яна кўпчилигимиз билган, эшитган қишлоқ номларини санайлик: Така, Чўрқинди, Шована, Кесовли, Шаматон, Наматон, Итқопди, Ковушқишлоқ, Жинниқишлоқ... Очиғи, бу рўйхатни яна истаганча давом эттиравериш мумкин ва балки газетада ўз қишлоқлари номини ўқиган юртдошларимиз умуман ажабланмас ҳам. Негаки, бу ҳолатга ҳаммамиз ўрганиб, керак бўлса кўникиб ҳам кетганмиз. Энг оғриқли муаммонинг илдизи ҳам худди ана шу КЎНИКМАда эканлигини ҳеч ўйлаб кўрганмизми?

Эсимда: бундан ўн йилча бурун китоблик Фозилжон Очилов деган бир жонкуяр одам ўзи яшаётган Ўрисқишлоқ тарихи билан қизиқиб пойтахтгача келган ва билган, тўплаган маълумотлари асосида мақолалар ҳам эълон қилган эди. Албатта, унинг бу изланувчанлиги кўпчилигимиз учун ибратли эканлигини билардик. Чунки ўзининг айтишича, шу қишлоқ бино бўлиб номига бирор бир рус киши яшамаган гўша нега Ўрисқишлоқ бўлиб кетгани ғалати эди-да. Хуллас, алал оқибат унинг изланишлари натижаси не бўлди? — дерсиз. Нимасини сўрайсиз, ўзи кулгуга қолибди! Қандай қилиб, дейсизми?

Фозилжон ака билан бир кўришганимизда ёзғириб кетди: «Учтўрт жойга мурожаат қилиб, қишлоғимиз тарихи билан боғлиқ атамаларни ўргандим ва охири... дакки эшитдим. Нима қиласан қўлингдан келмаган ишга аралашиб? Ота-буваларимиз қўйиб кетган. Энди ўзгартириб бўлмайди».

— Нега шундай-а, мен-ку ўз қишлоғим номини айтишдан уялмайман, лекин бизни Қашқадарёда шундай қишлоқ номлари борки, мен эркак киши бўлиб айтишга... тилим бормайди, — дейди Фозилжон ака куйиниб.

Бундай беўхшов, кулгули, маъно-мантиқсиз қишлоқ номларини мамлакатимизнинг исталган вилоят ва туманларида учратиш мумкин. Тўғри, Қўштамғали, Болғали, Қўнғирот, Сарой, Минжир, Макрит, Белибойли, Найман, Қалмоқ, Дўрмон ва яна юзлаб, минглаб тарихий қимматга эга бўлган қишлоқ номлари ҳаммамиз учун қадрли. Энг муҳими, бу номлар халқимизнинг ўзлиги ва қадимий илдизлари билан бевосита боғлиқ. Улар ҳақида ҳар қанча изланиш ва тадқиқотлар олиб борилса арзийди.

Яна бир эътиборли жиҳати, кейинги йилларда республикамиздаги қатор маҳалла ва гузарларга қадимий манбалар асосида қайтадан ном берилгани ва бир замонлар, айниқса, мактабларга ном қўйиш масаласи «мусобақа»га айланиб кетганлиги оқибатида йўл қўйилган хатоликлар тузатилаётгани ҳам хайрли бўлди. Негаки, ҳар биримиз ўз миллатимиз ёхуд чиройли исми-шарифимиз билан қанча фахрланса, ўзимиз умргузаронлик қилаётган ҳудуд номи билан ҳам шунчалик мақтанишга ҳақлимиз.

Биз юқорида келтирган ҳеч бир маъно, мазмун-моҳиятни англатмайдиган қишлоқлар номларини шу ҳудудлар ўтмишидан келиб чиққан ҳолда қайтадан номлаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш вақти етди деган фикрда.

Норқобил ЖАЛИЛ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma`murjon PARPIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449

11212 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бу ерда бунёд этилаётган янги-янги спорт мажмуалари, ёшларга берилаётган катта эътибор ҳам сўзимнинг исботидир. Ўзбекистонликлар билан бир неча йилдан бери ишончли ва фойдали ҳамкорлик қилиб келаётганимиздан мамнунмиз. Жумладан, Қарши, Чирчиқ шаҳарларида қуриб битказилган янги стадионларнинг югуриш йўлакчалари компаниямиз томонидан ишлаб чиқарилган махсус тўшамалар билан жиҳозланган. Шунингдек, Нукусдаги ёпиқ манежни ҳам компаниямиз хизматчилари жиҳозлаб беришган. Ўйлайманки, юртингиздаги маҳаллий ишбилармонлар, спорт ташкилотлари билан ҳам бундай фойдали ҳамкорлигимиз давом этади.

Кўргазмани кузатар эканмиз, Покистоннинг «Tucson», «Golden bee Group» компаниялари томонидан тайёрланган бокс анжомлари, кийим-кечак ва жиҳозлари ҳам сифати ва бежиримлиги билан эътиборимизни тортди.

— Юртингизда маҳсулотларимизга қизиқиш бениҳоя катта, — дейди «Tucson» компанияси ижрочи директори Шоҳид Салим Мирза. — Ўтган йилги тадбирдан сўнг янги ҳамкорлар топгандик. Яқинда ҳамюртингиз профессионал боксчи Руслан Чагаевнинг WBA йўналиши бўйича мутлақ оғир вазнда жаҳон чемпионлигини қўлга киритганлиги ўзбекистонликлар қатори бизни ҳам беҳад қувонтирди. Чунки энди Ўзбекистонда боксга бўлган қизиқиш янада ортади. Бу эса бизнинг ҳамюртларингиз билан ишончли ҳамкорлигимизга пойдевор яратиши шубҳасиз.

«ЎЗБЕКИСТОН — СПОРТ МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА»

Бундан ташқари, кўргазмада маҳаллий корхоналар — «Степухин» хусусий корхонаси тренажёр жиҳозлари, «INTER AGRO Servis» қўшма корхонаси эса велосипед ва спорт велосипедлари, «КП РТО ВТ» компанияси эса спорт жиҳозлари билан иштирок этмоқда.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА), Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши Тошкент вилояти ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ҳожимурод Эрматовга онаси **ТОЖИ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси газета фотомухбири Шавкат Акрамовга отаси **Асрор АКРАМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази жамоаси Бош директор ўринбосари Одил Олимжоновга ўғли **ЖАҲОНГИР**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД

Энига: 6. Самолёт, ҳаво кемаси (русча). 7. Маълум бир тизимдаги қонунлар мажмуи. 11. Бир қоп ун, ўртаси устун. 12. Маҳсулот сақланадиган жой. 14. Гиёҳ ўсмайдиган, қаттиқ ер. 16. Тиниш белги. 17. Рус рассоми. 18. Хоразм ҳудудига хос мусиқа. 20. Дам, ҳузур-ҳаловат. 21. Жамоат хавфсизлигига, халқ осойишталигига путур етказиш. 26. Абу Али ибн Сино таваллуд топган маскан. 27. Қутлов, эзгу тилак. 28. Тансиқ миллий нон. 30. Тан олмаслик, рад этиш. 32. Асбоб... 33. «Муттаҳам» қуш. 34. АҚШ штатларидан бири. 36. Маҳсулотнинг ... нархи. 37. Ҳашаматли, кўркам бино.

Бўйига: 1. Уч-тўрт ёшдаги от. 2. Танлов шакли. 3. Тахминан бир гектарга тенг ер сатҳининг қадимий ўлчови. 4. Тоғ йўлидаги ўтиш жойи. 9. Венгрия автомобили маркаси. 10. Азот кислотасининг тузи. 11. Юганнинг чармли тизгини. 13. Ҳиндистон валютаси. 15. Автомобилнинг ҳаракат тезлигини кўрсатувчи асбоб. 19. Цирк томошаси майдони. 20. Нефтдан олинадиган ёқилғи тури. 22. Халқимизга хос латифалар қаҳрамони. 23. Илк баҳорда гулловчи дарахт. 24. Нашрга аъзо бўлиш. 25. «Келинлар қўзғолони» фильми қаҳрамонларидан бири. 28. Америка қитъасидаги каналга номдош давлат. 29. Ошкўклардан бири. 31. Дўконлар қатори. 32. Бир ота-бободан тарқалган насл.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 5. Мудҳиш жиноятни амалга ошириш. 8. Жазога ҳукм қилинганларнинг авф этилиши. 35. Ҳарбий жиноий ишларни кўриб чиқувчи суд органи. 38. Ўтмишда айбдорнинг бўйнига боғлаб қўйилган жазо қуроли.

Энди кроссворд жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчи сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб топшириқни ҳал этинг.

15-1; 28-2; 38-3; 11-2; 1-2; 6-1; 10-2; 5-8.
38-3; 13-2; 26-3; 38-3; 35-5; 5-6; 16-3; 6-1; 17-4; 7-1.
3-1; 36-1; 35-5; 1-1; 14-5.
29-4; 24-5; 15-6; 12-2; 29-2; 31-3; 27-5.
12-3; 30-1; 5-5; 25-3; 25-2; 6-1; 38-6; 8-4.
26-4; 11-4; 18-4; 27-3; 19-4; 9-1; 2-3; 25-3.
23-1; 19-3; 21-3; 25-3; 34-5; 26-5.
33-1; 15-7; 18-3; 16-5; 8-5; 14-4.

Улардан Бархурдор ибн Маҳмуд ёзиб қолдирган икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозил ОРИПОВ тузди.



«Д» ҲАРФЛИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 28 апрель сони)

Энига: 4. Даромад. 7. Далил. 8. Дакар. 12. Даста. 13. Дом. 14. «Дамас». 19. Дамка. 20. Девонов. 21. Декан. 24. Дол. 25. «Дугоҳ». 26. Дарио. 27. Диб. 31. Данак. 32. Дивизия. 33. Дўнон. 36. Довон. 37. Дам. 38. Дутор. 41. Довот. 42. Давао. 44. Дубулға.

Бўйига: 1. Дания. 2. Дог. 3. «Даган». 5. Данте. 6. Дарак. 9. Дакка. 10. Донор. 11. Дален. 15. Дамодар. 16. Дехотий. 17. Дотация. 18. Даминов. 22. Дук. 23. Дин. 28. Давос. 29. Диван. 30. Дўкон. 34. Дозор. 35. Дунай. 39. Довул. 40. Дарға. 43. Дур.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. «Донишнома». 2. «ДЭУ». 3. Дақиқа. 4. Дўҳа. 5. Дюма. 6. Дурбин. 7. Далв. 8. Дазмол. 9. Дафтар. 10. Дажла. 11. Донг. 12. Дўппи. 13. Диск.

Ҳикмат: Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбаи билимим кони.
Эзгулик осмонини маҳбусиман,
Занжирим фаною само уммони.

Паҳлавон МАҲМУД